O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№92 (845) 2024 йил 19 ноябрь, сешанба

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

АНДИЖОНДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Андижон вилоятининг иқтисодий салоҳияти юқори. Давлатимиз раҳбарининг шу йил февралдаги амалий ташрифи ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Саноат, тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида яхши натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, ҳали имкониятлар кўп. Туманларда олиб борилган ўрганишлар давомида қатор таклифлар аниқланган.

Масалан, Олтинкўл ва Жалақудуқдаги 600 гектарда хитойлик инвесторлар томчилаб суғориш орқали қалампир етиштириб, қайта ишлаш лойиҳасини бошлаган. Бу орқали гектаридан 15 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш ҳисоб-китоб қилинган.

Пахтаобод туманида Бирлашган Араб Амирлиги компанияси билан ҳамкорликда 470 гектарда гилос ва резавор мевалар етиштириш йўлга қўйилган. Тадбиркор инвестиция мажбуриятини ўз вақтида бажараётгани учун давлатдан инфратузилма қилиб беришни сўраган.

Вилоятдаги 4 та паррандачилик корхонаси фаолиятини тиклаб, эҳтиёжманд оилалардаги 650 нафар одамни ишга олиш имконияти аниқланган.

Асакадаги “АДМ электрикс” корхонаси автомобиллар учун 28 турдаги сим ўтказгич ва мультимедиа тизимларини ишлаб чиқаради. “Оникс”, “Трекер”, “Киа сонет” каби моделларда маҳаллийлаштириш кенгайтирилса, корхонанинг қуввати ва даромади ошади.

Йиғилишда Андижон вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солишга оид қарор лойиҳасини тақдимот қилди. Унда 2025 йилда Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилган. Жумладан, 3 миллиард 100 миллион доллар миқдорида инвестиция ўзлаштириш, 334 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, 305 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда 1 миллиард доллар миқдорида экспорт қилиш вазифаси белгиланган.


Шунингдек, вилоятда аҳоли зичлиги инобатга олиниб, ер масаласида имкониятлар яратилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган майдонлар, жумладан, қир-адирлардан жами 1 минг 800 гектар ернинг тоифаси ўзгартирилади. У ерларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, уй-жойлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, янги имкониятлардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларни замонавий инфратузилма билан таъминлаш, аҳолининг бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎзА.

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ВАТАН БАЙРОҒИ – ҒУРУР, УМИД ВА ИШОНЧ ТИМСОЛИ





Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Бундан 33 йил муқаддам, яъни 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзи экани ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли экани белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси байроғи – Ватан тимсоли. Уни кўрганда, ҳар бир юртдошимиз қалбида ғурур, умид ва ишонч уйғонади.

Айниқса, юртдан бир қадам олис кетган фуқароларимиз Ватан байроғини кўрганда, юраги беихтиёр ҳаприқиб кетади. Ортида тоғдек суянчи – давлатимиз борлигини ҳис этади.

Байроқдаги ранглар, тасвирлар ҳаёт-бахшлиги, яъни унда тириклик, тинчлик ва янгиланишни акс эттирувчи маъно мужассамлашгани учун ҳам у юракларимизга жуда яқин.

Маълумки, 2023 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ошиб бораётгани, айниқса, маданият, спорт ва илм-фан соҳаларида катта ғалабаларга эришилиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи жаҳон узра баланд кўтарилаётганини инобатга олиб, қонун билан ундан фойдаланиш имконияти янада кенгайтирилди.

Қонун билан Давлат байроғидан спорт мусобақаларида, оммавий жисмоний тарбия ва маданий тадбирларда, расмий халқаро тадбирларда, оилавий байрамларда, хотира саналарини нишонлашда, жамият ва давлат арбоблари, ҳарбий хизматчиларнинг дафн маросимларида ҳамда бошқа ҳолларда ҳурматни таъминлаган ҳолда фойдаланиш мумкинлигини назарда тутувчи меъёрлар жорий этилди.

Байроқ тасвири туширилган белгилардан фойдаланишда ҳам аҳолига кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, байроқдан жамоат жойларида, бинолар ва бошқа объектларда, яшаш ёки иш жойларида, транспорт воситаларининг салонида, расмий халқаро тадбирларда, ҳарбий ёки бошқа давлат хизматида бўлган шахсларнинг кийим-бошида ва фарқловчи нишонларида, халқаро спорт мусобақалари ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари учун спорт кийим-бошини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, байроқдан ва унинг тасвири туширилган белгилардан одобахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда ёхуд уларни таҳқирлаш ҳисобланадиган бошқача тарзда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳам қонунда акс этди.

Қонун давлат байроғидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга ҳамда аҳоли, айниқса, ёшларда ватанпарварлик ҳиссининг янада ошишига, энг муҳими, халқимизнинг байроқ билан янада яқинроқ муносабатда бўлишига замин яратди.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Мутасаддилар маҳаллаларда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари жойларда кўп квартирали уйларнинг куз-қиш мавсумига тайёрлиги юзасидан ўрганиш ишларини олиб бормоқда.



Хусусан, мутахассислар Янгиҳаёт туманидаги “Траст коммунал” БСКнинг Хушнуд маҳалласидаги аксарияти янги бўлган 17 та уйларга хизмат кўрсатувчи филиали фаолияти билан танишдилар.

Замонавий талаблар асосида иш бошлаган компания филиалининг 24/7 диспетчерлик хизмати, лифт қурилмалари учун масофавий бошқарув тизими, қўшимча сервис хизматлари кўздан кечирилди. Шунингдек, вазир ўринбосари Озода Жўраева Ички ишлар вазири ўринбосари Бекмурод Абдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Бахтиёр Раҳмонов ва бошқа мутасаддилар билан кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати, куз-қиш мавсумига тайёрлиги, уйларда энергосамарадорликни таъминлаш юзасидан олиб борилган ишларни ўрганишди. Маҳаллада аҳоли учун яратилган шароит, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳа объектлар билан танишилди.

Ўрганишлар сўнггида мурожаатлар билан ишлаш тизими ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.



Кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати кўздан кечирилди

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи в.б. Жаҳонгир Анваров ҳудудларда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳолини энергия ресурслари билан таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан амалга ошириб келинаётган ишларни ўрганди.

Жумладан, Янгийўл шаҳридаги “Турон” қозонхонаси фаолияти кўриб чиқилди ҳамда “ПБК” бошқарув ташкилотининг қизғин иш жараёнлари билан танишилди. Ҳозирда ушбу БСК 92 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Мутасаддилар ўрганишлар давомида ушбу ҳудуддаги кўп қаватли уйларга кириб, аҳоли учун яратилган шароит, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳа объектлари билан ҳам танишдилар.

Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати, куз-қиш мавсумига тайёрлиги, уйларда энергосамарадорликни таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар кўздан кечирилди. Соҳага доир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ижтимоий соҳа объектлари ўрганилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Қашқадарё вилоятида бўлиб, ижтимоий соҳа объектларини ўрганди.

Жумладан, Китоб туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабининг қурилиш жараёнлари кўздан кечирилди. Ўрганиш давомида мутасаддиларга қурувчилар учун муносиб шароит яратиш ва самарали иш тизимини ташкил этиш орқали қурилишни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Шунингдек, қурилиш маданияти ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиш тушунтирилиб, объектни сифатли тарзда ўз муддатида топшириш талаби қўйилди.

Рейд тадбирлари ташкил этилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ноқонуний қурилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида рейд тадбирлари ташкил этилди.

Дастлабки манзил – Тошкент тумани ҳудудида буюртмачи “Emrerm house” МЧЖ томонидан қурилаётган ноқонуний қурилиш объекти бўлди. Объектда қурилиш ишлари белгиланган тартибда ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган ҳолда ноқонуний тартибда амалга оширилган. Инспекция томонидан ҳолат бўйича икки маротаба огоҳлантириш хатлари берилган. Бироқ шунга қарамасдан, буюртмачи қурилиш ишларини давом эттирган. Шундан сўнг, маъмурий жарима чоралари қўлланилиб, ноқонуний қурилишларни бартараф этиш юзасидан судга даъво аризалари киритилган.

Назорат тадбирлари ҳудудларда давом этмоқда.

Халқаро мастер-класс ўтказилди

Бухоро архитектура ва қурилиш техникумида World Skills стандартлари асосида Жанубий кореялик халқаро эксперт Kim Suhyeon иштирокида халқаро мастер-класс – ўқув курслари бўлиб ўтди.



Тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш таълими усталари ҳам иштирок этдилар. Хусусан, вазирлик ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув курсида институт ректори Аъзамиддин Қўлдошев ҳам иштирок этиб, жараён билан яқиндан танишди.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари томонидан “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида техникум ҳудудида кўчат ўтказилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№92 (845) 2024 йил 19 ноябрь

Еврокодлар рақобатбардош материаллар ишлаб чиқаришга замин яратади

Мамлакатимизда қурилиш индустриясининг рақобатбардошлигини ошириш маҳаллий ва халқаро инвесторларни кенг жалб этиш ҳамда уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлувчи омилларни бартараф этиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда бир қатор лойиҳа ташкилотлари томонидан Еврокодларни Ўзбекистонда имплементация қилиш ишлари амалга оширилмоқда.



Хўш, Еврокодлар нима ва уни Ўзбекистонда жорий қилишнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?

Еврокодларни Ўзбекистонда имплементация қилишдан кўзланган асосий мақсад – бино ва иншоот конструкцияларининг хавфсизлиги, мустаҳкамлиги, сейсмик чидамлилиги, ёнғин хавфсизлиги ва энергия самарадорлиги каби талабларда жавоб берадиган илмий мезон ва лойиҳалаш усуллари таъминланади. Қолаверса, мулк эгалари, пудратчилар, буюртмачилар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар ва уларни эксплуатация қилувчи ташкилотлар ўртасида умумий бир тушунча таъминланади.

Шу билан бирга, иштирокчи давлатлар, яъни Еврокодларни ўзида қабул қилган ва уларни имплементация қилган давлатлар ўртасида хизматлар алмашинуви ва қурилиш материаллари ҳамда буюмлар маркетингини ташкил қилиш таъминланади. Қурилиш соҳасида илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар ишлаб чиқилишига асос яратилади. Кўшимча қилиб айтадиган бўлсак, энг асосийси маҳаллий қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва қолаверса, лойиҳа ташкилотларини жаҳон бозорига чиқариш ва уларни рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Еврокодлар Европа иттифоқи ва бошқа давлатларда қурилиш конструкцияларини лойиҳалашда қўлланиладиган халқаро стандартлар тўплами ҳисобланади. У параметрик меъёрлаш характеридаги ҳужжат бўлиб, тўғридан-тўғри фойдаланиш эмас, балки ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос геологик, табиий-иқлимий сейсмологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Еврокодлар умумий ҳисобда 10 та асосий қисмлардан ташкил топган. Ҳар бир қисм турли иншоотлар ва метериаллар учун қўлланилади. Еврокодларни мамлакатимизда жорий этиш орқали соҳада рақобатбардошлик учун шаффоф асос яратиш кўзда тутилган.

Йил дастурларини Ўзбекистон шароитида тўлиқ қўллаш имконияти пайдо бўлади. Фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги ҳимоя қилинади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва сотиш нархини камайтириш орқали қўшимча қиймат таъминланади. Қолаверса, Европа иттифоқи талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали маҳсулотларимиз Европа бозорларига эркин кириб бориш имкониятига эга бўлиб боради.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ ФАРМОН

Оиладан олисда қўшимча даромад топиш осон юмуш эмас

Маҳалла гузаридаги ёши улуғларнинг гурунги қизиқ. Суҳбат бир қарашда содда, бироз тингланса бугуннинг – жамиятнинг ойнасига ўхшайди.



– Шокир тандирчининг ўғли совуқ жойлардан юртга қайтибди, – дейди сўрининг тўрида ўтирган отахон яктагининг енгини тўғирлар экан. – Эрталаб ўзи билан гаплашдим, кўз тегмасин, шашти баланд. Энди кетмас экан. Яхшигина тўплаганга ўхшайди. Маҳаллада цех қиламан дейди. Ҳунарли эр қаерда бўлса ҳам хор бўлмайди, дўст-душманга зор қолмайди дегани шуда. Кечирасизлар, буни ўзи нимага эсладим? Ҳа, айтганча, яхши иш олдидан эҳсон қиляпти экан. Эртага ош дамлаяпти, ҳаммамизни уйига чақирди.

Дастурхондаги чойнакни янгилаб кетишди. Ҳамма ўзини бироз ростлаб ўтириб олди. Бўш пиёлаларга иссиқ чой сузилди.

– Четдан ҳамма ҳам зўр бўлиб келаётгани йўқ, – дейди бошқа бир нуроний ёнбошлаб ўтирган ёстиғини сал ўзига тортиб. – Мана, раҳматли Нуриддин дўкончининг боласи уч ойдан буён бирор тайинли ишга жойлашмади. Телефонда ўзим гаплашдим. Бўлди кел, отангдан қолган дўконни ишлат, дедим. Маҳаллада шуларга ўхшаганларга ер бериляпти экан. Айтамиз, сенам ерли бўласан, дедим. Экин-тикин қилса яхшида. Хуллас, ҳамма жойнинг тош-тарозиси борлигини, бир касбнинг бошини тутмаса, шунақа тентираб юраверишини тушунтирдим. Ота-эналаримиз ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг деб бекорга айтмаган. Бечора Нуриддин ўтганидан кейин, буларни тергамадикда. Бирор касб ўрган демадик.

Жамиятдаги ислоҳотлар энг қуйидан – маҳаллалар, мана шундай суҳбатлардан олинган хулосалар асосида олиб борилса, натижаси яхши бўлади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқароларга зарур шароитлар яратиш, улар билан тизимли ишлаш ва меҳнат миграциясидан қайтганларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳими, тизимни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 октябрда “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди.

Бу ҳужжатлар соҳада ягона вертикал бошқарув тизимини жорий этиш, масъул давлат органларининг аниқ вазифалари ва жавобгарлигини белгилашга қаратилган. Шунингдек, хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагидаги фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ушбу жараёнга хусусий секторни янада кенгроқ жалб қилиш ва кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим.

Фармоннинг дастлабки бандида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятини тугатиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миграция агентлигини ташкил этиш кўзда тутилди. Бу нимани англатади, янги агентликнинг вазифалари нималардан иборат?

У меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва мазкур соҳада давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

– Дунё давлатларида ишчи кучига бўлган талаб турлича, у маълум даврларда ўзгариб туради, – деди Миграция агентлиги директори ўринбосари Азимжон Ҳусанов ЎзА мухбири Икром Аввалбоевга. – Шунинг учун инсон меҳнатига бўлган эҳтиёжнинг, ишчи кучига бўлган талабнинг кўчиб юриши табиий жараён. Президентимизнинг фармони билан иш берувчиларни излаб топиш, уларни сифатли танлаш мақсадида Ўзбекистоннинг хориждаги ваколатхоналари ва муассасаларининг жавобгарлиги кучайтирилди. Шунингдек, бу ҳужжат иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш ва фуқароларга хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Хусусан, агентлик ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини комплекс тартибга солишга эътибор қаратади. Фуқароларни хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ишларини назорат қилади. Хусусий бандлик агентликларининг юртимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини лицензиялаш, улар томонидан лицензия талаблари ва шарт-шароитларига риоя этилишини ўрганади. Муҳим томони, хорижий иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиқиб фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш ишларини ташкил қилади.

Чет элда ишлаш осон эмас. Агар, юртдошларимиз ўша вақтда ҳуқуқлари бузилган, қийин аҳволда қолган бўлса, уларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

Келгуси йилнинг 1 январдан бошлаб агентликка хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ назорат тадбирларини тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда ўтказишга рухсат этилади. У томонидан ўтказилган ҳар қандай текшириш натижаси бўйича тузилган баённомалар, ҳар бир текширилган субъект кесимида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони ва хусусияти ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда “Хорижда иш” меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасига жойлаштириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса фуқароларнинг хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш ва уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Қарор билан хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси агентликка ўтказилиб, унинг негизида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Миграция жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилди.

Бу жамғарманинг маблағлари, аввало, соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилади. Хорижда ишлаш ниятида бўлган, лекин бунинг учун етарли маблағи бўлмаганларга «ишчи виза»ларни расмийлаштиришда, тил ва малака сертификатларини олишда кўмаклашилади.

Хорижий иш берувчилар томонидан таклиф қилинаётган иш ўринлари ҳақидаги барча маълумотлар электрон платформа, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда очиқ эълон қилиб борилади. Махсус электрон платформада фуқароларга ўзининг резюмесини шакллантириш ва жойлаштириш ҳамда эълон қилинган иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш имконияти яратилади.

Агентликнинг ҳудудий филиаллари томонидан эса фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ, шу жумладан, «ишчи виза»га оид ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича бепул консалтинг хизматларини кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилади.

Агентлик тегишли вазирликлар билан биргаликда келгуси ўқув йилидан бошлаб касбга ўқитиш муассасаларида малака сертификатлари берилишини йўлга қўяди. Бунда халқаро таълим дастурлари асосидаги ўқув курслари ташкил этилади. Уларнинг битирувчиларига хорижий иш берувчилар томонидан тан олинадиган малака сертификатлари берилади.

Бу икки ҳужжатда соҳага доир масалаларни ҳал этишга қаратилган бандлар кўп. Уларнинг ҳаммасига алоҳида тўхталмадик. Муҳими, мақсад ва режалар аниқ. Вазифалар ижросига масъул вазирлик ва идоралар кўрсатилган.

Оиласидан, она Ватанидан олисдан қўшимча даромад топиш осон иш эмас. Улар чет тилларини билса, қўлида ҳунари бўлса, ортларида ўзларини сўраб турғувчилар борлигини ҳис қилиб фаолият олиб борса, топаётган маблағида барака бўлади.

Водий гавҳари гўзал диёрга айланмоқда

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Фарғона вилоятида ўтган 2023 йилда хусусий пудрат ташкилотлари томонидан 6 369 хонадонли 200 дан зиёд кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Айниқса, мамлакат бўйлаб “Бағдод тажрибаси” дея эътироф этилган “Гулистон” массивининг қад ростлаши муҳим воқеликка айланди.

Қишлоқ жойларида барпо этилаётган замонавий кўп қаватли турар жойлар қурилиши биргина Бағдод тумани билан чекланган йўқ. Ўзида болалар майдончаси, спорт майдончаси, автотураргоҳларни мужассам қилган турар жой мажмуалари Бувайда, Учкўприк, Олтиариқ ва бошқа туманларда ҳам қад ростлади. Жорий йилда бу ишлар давом эттирилиб, Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Фарғона ва Ёзёвон туманларида “Янги Ўзбекистон” массивларининг қурилиши авж паллада.

Хусусан, вилоят марказида 300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарча бунёд этиш ишлари давом этяпти. Биринчи босқичда 80 та кўп қаватли уйни бунёд этиш режалаштирган бўлиб, 300 гектарлик дашт майдон ўрнида кўп қаватли уй-жойлар, “Янги Ўзбекистон” боғи, мактаб, поликлиника, барча инфратузилмага эга шаҳарча пайдо бўлди. Лойиҳа Президентимиз топшириғи асосида ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари шунингдек, жорий йил Фарғона вилоятига ташрифи чоғида марғилонлик юртдошларимиз билан учрашар экан, мазкур кўҳна кентда ҳам шаҳарсозлик, реинновация дастури ижроси юзасидан муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президент ташаббусларини амалга ошириш учун эскирган уй эгалари бошқа замонавий уйларга кўчирилди. Зудлик билан эски уйлар ўрнига янги, замонавий уйлар қурилиши бошланди. “Қурилиш пудрат ташкилотчиларига раҳмат” дейишмоқда “Ипакчи” ва “Қиргули” МФЙ вакиллари. Чунки, уй эгалари рози қилиниб, уларни эски уйлардан кўчириш, вақтинча ижарага қўйиш, харажатларини қоплашдек ишларни ҳам бажариб беришди.

Қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Ўта қисқа фурсатларда янги уйлар қуриб битказилиши қатъий назоратга олинган. Ўз навбатида қурувчилар замонавий шаҳарсозлик лойиҳалари асосида ҳам сифатли ҳам сейсмик бардошли кўп қаватли уйлар бунёд этмоқда. Бунда инновацион ишланмалардан ҳам фойдаланилади.

– Ҳозирги кунда биз қураётган уйлар 2 подъездли, 7 қаватли монолит уй бўлиб, уларда 90 та оила жойлаштирилади. Бу уйларни сейсмик даражасини олиш учун аввалambор, геология мутахассислари келиб, ердан хулоса олиб, шу хулоса асосида 9 баллик ер силкинишига бардош бера оладиган уйларни қуряпмиз. – деди пудрат ташкилоти вакили Жаҳонгирхон Камолхонов. – Турар жой битганидан сўнг ҳам ер силкинишига бардошлилик даражасини синаб кўришни режалаштирганмиз.

Уй-жойлар қурилиши эса ҳамиша жамоатчилик назорати ва эътиборида бўлаверади. Шаҳар фаоллари, жамоатчилик вакиллари, ёши катталар қурилиш майдончасига келиб, лойиҳа ва олиб борилаётган ишлар билан мунтазам танишмоқдалар.

– Юртимиз замонавийлашиб бормоқда. Одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланяпти, – деди меҳнат фахрийси Донохон Ўринбоева. – Бу қулайликларнинг барчаси инсонларни яхши яшаши учун қилиняпти. Биз фақат хурсандмиз, чунки шаҳримиз ободонлашяпти. Эски, шароити йўқ уйлар ўрнига янги, кўп қаватли, замонавий, лифтга эга, коммунал шароитлари бисёр бўлган уйлар қуриляпти. Булар халқ учун, халқимиз фаровонлиги учун.

Президентимизнинг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир фармон ва қарорларига асосан ишлаб чиқилган дастурларнинг амалга татбиқ этилиши Марғилон аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишда ҳам муҳим омил бўляпти.

Кўҳна Марғилоннинг “Янги Ўзбекистон” массиви вилоят марказига бошловчи магистраль йўл бўйида бунёд этилмоқда. 7 та қурилиш-пудрат ташкилоти биринчи навбатда 10 та кўп қаватли уйнинг қурилишини олиб бормоқда.

Россия Федерациясидан келиб, қурилиш жараёнларида қатнашаётган инвестор, қурилиш компанияси раҳбари Виктор Пичугин ёш бўлишига қарамасдан ҳозирга қадар ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилишини бошқарган маҳаллий қурувчи Камолиддин Ҳомидов ҳар куни лойиҳалар устида Фарғона вилоятида қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассислари билан таҳлиллар олиб борилиб, кунлик бажарилаётган ишлар муҳокамасини ўтказишмоқда.

– Бу ишларнинг сифати қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан атрофлича ўрганилиб, назоратга олинган, – деди Камолиддин Ҳомидов. – Мақсадимиз қурилиш ишларини ўз вақтида, сифатли қилиб топширишни режа қилганмиз. Бунинг учун маҳаллий хомашёдан, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланяпмиз.

– Бир йилдан зиёд вақт мобайнида Фарғонадамиз. Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви экошаҳар ҳудудида 9 қаватли уйни қуриб топширдик. Ҳозирда яна 12 ҳамда 16 қаватли уй қурилишини олиб боряпмиз. Ўзбекистон қурилиш соҳасида катта қадамлар билан бораётганини кузатяпман. Бу борада қўшни мамлакатлардан илғорлаб кетаётгани ҳам айни ҳақиқат, – деди қурилиш компанияси раҳбари Виктор Пичугин.

Қурилиш сифати қурилишда фойдаланилаётган материаллари ҳамда хомашёлари талабга жавоб бериши устидан эса мутасаддилар доимий назорат олиб бормоқдалар.

– Қурилиш материалларининг маҳаллий, сифатлиларини олиб келиш, объектгача сифатли маҳсулотларни киритишда инспекция лабораторияси мутахассислари билан туну кун назорат ўрнатганмиз, – деди мутахассис Умиджон Узоқов. – Икки сменада ишлаб, ҳар бир маҳсулотни текширувдан ўтказяпмиз. Биринчи босқичнинг ўзида 10 та кўп қаватли уй қуриляпти, улардан 7 таси 12 қаватли 85 хонадонли, 3 таси 16 қаватли 128 хонадонли бўлади.

Мазкур ҳудудда мактаблар, академик лицейлар, боғчалар, дам олиш масканлари ҳамда нуронийларга алоҳида масканлар қурилади. Бундан ташқари, Бурҳониддин ал-Марғилоний мажмуасининг қурилиши ҳам режалаштирилган. Бугун унинг лойиҳаси тайёрланяпти.

Фарғона бунёдкорлар юрти. Водий гавҳари саналган бу масканни гўзал диёрга айлантираётган фарғоналик бунёдкорлар ҳар қандай таҳсинга сазовор. Бу ўзгаришлар нафақат марказ шаҳарларида, балки вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам уддаланмоқда. Бу жараёнларда аввало, инсон қадри улуғланмоқда. Инсон авваламбор ҳаётга келиб, ўз уйига эга бўлишни унда умргузаронлик қилишни истайди. Давлат ҳам шу талаб ва истакни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ўз сиёсатини юритмоқда. Бу Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўламида ҳам ўз бўй- бастини кўрсатмоқда.

Зоминнинг туризм салоҳияти ошмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Тоғли ҳудудда жойлашган Зомин туманида сўнгги йилларда амалга оширилган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари туман қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Жумладан, кўп қаватли турар жойлар, меҳмонхоналар, теннис кортлари ва спорт майдонлари, савдо тармоқлари, дам олиш масканлари, йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Сайёҳликни ривожлантириш ва меҳмонларга қулай шароит яратиш мақсадида Зомин аэропорти ҳамда 80 млрд 161 миллион сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига 2100 метрлик учиш-қўниш йўли қуриб битказилди. Бир вақтнинг ўзида маҳаллаларнинг инфратузилмаси ҳам кўркам ҳолга келтирилди. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган дор йўли эса юртимизда туризм соҳаси жадал ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Шу йўналишда Зомин туманининг янги тарихида муҳрланиб қоладиган яна бир катта замонавий лойиҳа қурилишига тамал тоши қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шу йилнинг 27 июнь куни “Зомин технопарки” махсус саноат зонасини қуришга старт берилган эди. Ана шу лойиҳага кўра, туман ҳудудидан 400 гектар ер майдони ажратилди ва Хитой Халқ Республикаси инвесторлари билан истиқболли ҳамкорликда йирик инвестиция лойиҳалари юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Айни пайтда махсус саноат зонасини инфратузилма билан таъминлаш бўйича манзилли дастур тасдиқланган бўлиб, бунинг учун 160 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Лойиҳанинг дастлабки босқичида шу йилнинг охиригача 138,4 гектар майдонда инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Шунингдек, ҳудудда 2029 йилгача 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш ҳисобига 30 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Эътиборли жиҳати, бу ерда ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилиб, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик, мебель, озиқ-овқат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу эса 4 триллион 700 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, 70 миллион АҚШ долларига тенг экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига имкон беради. Шунингдек, технопарк ҳудудида Халқаро тажриба алмашинув инженерлик маркази қурилиб, саноат корхоналари учун малакали мутахассислар ҳам тайёрланади. Кўп қаватли турар жойлар, офис маркази, экобоғ, кўргазмалар зали ҳамда савдо марказлари барпо этилиши бўйича ҳам тадбирлар олиб бориляпти.

Бир сўз билан айтганда, Зомин тумани замонавий корхоналарни қуриб, ташқи бозорда ўз ўрнини топиш орқали ишсизликка барҳам бериш ва камбағалликни тугатиш ҳисобига ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб, Янги Ўзбекистоннинг бугунги қиёфасини жаҳонга танитишда бошқа ҳудудларга ибрат кўрсатмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Талабалар учун замонавий турар жой



Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб улғайишлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Айниқса, замонавий билимларга эга олий маълумотли кадрлар бўлиб етишишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда, олий таълим муассасалари талабалари учун ҳар йили янги турар жойлар қуриляпти, мавжудлари таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. Бухоро давлат университети Табиий фанлар ва агробиотехнология факультети ҳудудида бунёд этилган янги талабалар турар жойи ҳам ёшларга янада қулай ва хавфсиз шароит яратишга қаратилган эзгу ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

– Бухоро вилоятида ҳам талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, айниқса, яшаш шароитларини яхшилаш, турар жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориляпти, – деди Бухоро давлат университети ректори Обиджон Ҳамидов. – Бу каби ислоҳотлар самарасида Табиий фанлар ва агробиотехнология факультети ҳудудида барча шароитга эга замонавий талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди. Бизнинг вазифамиз – ёшларитмизнинг сифатли таълим олишлари, иқтидорларини намоён этишлари учун муносиб шароит яратишдир.

Анвар Қувондиқов бошчилигидаги “XXI аср” акциядорлик жамияти пудратчилигида бунёд этилган ушбу тўрт қаватли бино 400 ўринга мўлжалланган. Замонавий турар жойда талабаларнинг ўқиш ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Кенг ва ёруғ хоналарда ўқув жараёнига ёрдам берадиган барча зарур жиҳозлар муҳайё. Бу ерда маънавият ва маърифат ҳамда компьютер хонаси, ҳар бир қаватда иккитадан ошхона, кир ювиш ва дазмоллаш хоналари бор.

Тиббиётда хусусий сектор ривожланмоқда

Бухоро шаҳрида “Amerimed” хусусий туғуруқ ва диагностика маркази қурилди. Бу вилоятдаги илк хусусий туғруқхона бўлиб, унда сифатли тиббий хизмат, она ва бола саломатлигини қўллаб-қувватлаш учун имкониятлар етарли.



Кўркам бинога ва замонавий шароитларга, зарур тиббий жиҳозларга эга мазкур тиббий муассаса юртимизда инсон саломатлигига қаратилаётган эътиборнинг бир намунасидир.

– Она ва бола саломатлиги доим эътибордаги муҳим масалалардан ҳисобланади, – деди марказ бош врачи Нодир Жўраев. – Боланинг соғлом ва муаммосиз дунёга келиши учун марказда малакали шифокорлар фаолият юритишади. Қолаверса, болани она қорнидаёқ назорат қилиш, нуқсонсиз туғилиши учун маслаҳат ва ташхис олиш имконияти мавжуд. Ишонамизки, ушбу марказ ҳар бир она ва фарзанд учун энг қулай шароитли туғуруқхоналардан бирига айланади.

Иншоот Швеция, Хитой ва Германия давлатларидаги ташкилотлар ҳамкорлигида қурилган. Чет эл инвесторлари томонидан жами 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Диагностика марказида компьютер томографияси, электрокардиография, ультратовушли текширув ва бошқа хизматлар йўлга қўйилган. Мазкур туғуруқхона 200 ўринга мўлжалланган. Туғруқ зали, жарроҳлик бўлими ва кутиш залларидан иборат. 50 дан ортиқ тажрибали ҳамшира хамда 10 нафар олий тоифали шифокор иш билан таъминланган. Келгусида ишчилар сонини яна кўпайтириш, янги техникаларни олиб келиш ҳам режалаштирилган.

Когон қишки мавсумга тайёр!

Шоҳижаҳон АШУРОВ, Халқ депутатлари Когон тумани кенгаши котибияти бош мутахассиси.

Бугун юртимизда инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар”, деган тамойилни илгари суришида ва буни бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишига айланишида ҳам айнан шу мазмун-моҳият мужассамдир.

Шу жумладан, Когон туманида ҳам сўнгги йилларда қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, халқимизнинг турмуш тарзида намоён бўлмоқда. Хусусан, 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумида туман аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 42 дона трансформатор пункти, 92,8 километр паст кучланишли ҳамда 26,5 километр юқори кучланишли электр узатиш ҳаво тармоқларида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жорий йилги мавсумда истеъмолчиларга марказлашган ичимлик сувини етказиб бериш мақсадида аниқ режа бўйича ишлар олиб борилди. Мавсум давомида, 3,9 километр ичимлик суви тармоғи янгидан ўтказилиб, 1 дона насос ускунаси жорий таъмирланди.

“Замин фонди” лойиҳаси доирасида туманнинг “Сиёз Поён” МФЙдаги 17-мактаб ва “Сорғун” МФЙдаги 7-сонли мактабда 27-30 метр ер тагидан сув олиниб, замонавий фильтр ускуналари ёрдамида ичимлик суви давлат стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолатда етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, ушбу лойиҳа доирасида 2 та мактабда гигиена хоналари қурилиб, замонавий канализация иншоотлари барпо этилди.

Ижтимоий соҳа объектларини кузқиш мавсумига тайёргарлиги бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, “Когон қурилиш монтаж таъмир” МЧЖ томонидан тумандаги 58 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 25 та умумтаълим мактаби, 14 та мактабгача таълим ташкилоти, 12 та тиббиёт муассасаси, 2 та маданият ва 2 та спорт масканларида 145 та янги иситиш қозони ўрнатилиб, иситиш тизими мукаммал таъмирланди. Чолоки, Янгиҳаёт, Наврўз маҳаллаларида янги мактабгача таълим ташкилотлари, Мустақиллик маҳалласида эса маҳалла маркази биноси барпо этилмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Яккабоғда янги бозор ишга тушди

Жамият ривожланиши, иқтисодий тараққиёт кўлами ошиши билан аҳолига янгича шарт-шароитлар яратишни тақозо этади. Шу мақсадда, бугун эски услубда фаолият олиб борадиган бозорлар ўрнига замонавий, сотувчи ва харидорлар учун қулай бозорлар қуриш замон талабига айланмоқда.



Хусусан, Яккабоғ туманида “ECO CITY” савдо мажмуаси иш бошлади. Маҳаллий тадбиркор Абдунаби Ғиёсов томонидан ишга туширилган мазкур объектнинг қиймати 40 млрд сўмни ташкил этади. Мазкур бозорнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов иштирок этди. Ташриф буюрувчи харидорлар учун барча қулайликларга эга ушбу мажмуада 600 та савдо растаси, 120 дан ошиқ савдо дўкони ва болалар, ёшлар учун кўнгилочар масканлар мавжуд.

Эътиборли жиҳати шундаки, мажмуа иш бошлаши билан 700 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш ўрнига эга бўлди.

Қарши шаҳрида университет барпо этилмоқда

Қарши шаҳридаги Иқтисодиёт ва педагогика университети 2022 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда ушбу олийгоҳда 12 минг 342 нафар талаба таҳсил олмоқда. Мазкур таълим масканида улкан бунёдкорлик ишлари бошланиши олдидан вилоят ҳокими Муротжон Азимов ва фаоллар, яхши ният билан университетда бошланган қурилиш ишлари билан танишиб, янги бино пойдеворига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этишди.



Тадбирда сўз олганлар яратилган шарт-шароит ҳамда имтиёзлардан оқилона фойдаланаётган ташаббускорларга, қурувчиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Қурилаётган университетнинг янги ўқув биноси 10,2 гектарни ташкил этади. Қиймати қарийб 400 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга ошириладиган ушбу мажмуада 9 минг 210 ўринли ўқув биноси, 800 ўринли фаоллар зали, 820 ўринли ошхона, яшил боғ, автотураргоҳ, спорт заллари, икки блокдан иборат 2 минг 500 ўринли талабалар турар жойи, клиника, мактаб ва боғчалар ҳам бунёд этилади.

Ўз мухбиримиз.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Оилавий шифокорлик пункти очилди

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ энг чекка қишлоқларда ҳам шаҳар марказларидагидан қолишмайдиган замонавий шифо масканлари қад ростламоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини давр талаблари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратиляпти.



Навоий вилоятининг Конимех туманида иккита оилавий шифокорлик пункти таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Янгиғазғон” оилавий шифокорлик пункти туман марказидан 110 км узоқликда жойлашган бўлиб, Фидокор, Донгелек, Пахтакор ва Янгиғазғон овулларида истиқомат қилувчи аҳолига бирламчи тиббий санитария хизматини кўрсатади.

– Овулларимизда 3 минг 540 нафар аҳоли истиқомат қилади, – деди овул фуқаролар йиғини раиси Бахит Узаков. – Яқинда овулимизда жойлашган ушбу муассаса “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 950 миллион сўм эвазига капитал таъмирдан чиқарилди. Халқимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида хизмат қилувчи тиббиёт масканига замонавий тиббий асбоб-ускуналар, сув иситиш мосламалари ўрнатилди. Янги айвонлар қурилди, бинонинг том қисми тўлиқ алмаштирилди. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва саломатлигини назорат қилиш мақсадида бир қатор янги жиҳозлар олиб келинди. Энди аҳоли ўз саломатлигини текширтириш учун узоқ масофаларга бормасдан шу ернинг ўзида тиббий хизматдан фойдаланиши мумкин бўлади.

Шунингдек, ҳудуддаги Гулистон ва Юксалиш маҳаллалари аҳолисига хизмат кўрсатувчи “Телемен” оилавий шифокорлик пункти ҳам 2 минг 705 нафар аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатишга мўлжалланган. Ушбу муассасани капитал таъмирлаш ишлари “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 632 млн сўм маблағ эвазига амалга оширилди. Аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилувчи ушбу муассаса автоматик, биокимёвий ва гематологик анализаторлар, стоматологик машинаси, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар, мебеллар билан таъминланиб, унда шифокорларнинг самарали фаолият юритиши, шунингдек, ташриф буюрувчилар учун барча шароитлар яратилди.

Мазкур биноларнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги вакиллари, тиббиёт бирлашмаси ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари, нуронийлар, тиббиёт ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси бўлиб ўтди

Маҳаллийлаштириш дастури билан уйғун кечаётган саноат кооперацияси ички имкониятларни ишга солиш, янги замонавий технологияларни жорий қилиш йўлида жиддий қадам бўлмоқда. Шу мақсадда Навоий шаҳридаги “Кимёгар” спорт мажмуасида тоғ-кон металлургияси, кимё саноати, энергетика, қурилиш материаллари ва электротехника соҳаларига ихтисослашган ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.



Бугунги кунда Навоий вилоятида саноатни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда импортни оптималлаштириш борасида бир қатор ижобий ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда вилоятда 2 минг 800 дан ортиқ саноат корхонаси ва 240 га яқин хорижий инвестиция иштирокидаги корхона самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

– Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилда 84,4 триллион сўмни 2023 йилда эса 101,6 триллион сўмни ташкил этиб, 106,7 фоизга ўсиши таъминланди, – деди тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Сулаймонов. – Жорий йил якуни билан ишлаб чиқариш ҳажми 117,1 триллион сўмга етказилиши кутилмоқда. Шунингдек, ҳудудий саноат корхоналарининг жорий йилдаги ўсиш суръати 122 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, вилоятдаги саноат корхоналарининг ўзаро кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлари ҳамда “шатакка олиш” механизми бўйича тармоқ корхоналар томонидан кичик корхоналар қўллаб-қувватланаётгани ҳисобига, 2023 йилда корхоналар ўртасида қўшимча 780 млрд сўмлик маҳсулот савдоси амалга оширилди.

Ярмарка доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва буюртмачилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди.

“Янги Ўзбекистон” массивининг иккинчи босқичи қурилади

Қизилтепа туманининг Маликобод маҳалласида “Янги Ўзбекистон” массивининг иккинчи босқичи қурилади.

Ҳозирда массив учун жами 20 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, бу ерда 2000 дан ортиқ хонадонли 60 га яқин кўп қаватли уй, мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, истироҳат боғи, ичимлик суви, электр, табиий газ, иссиқлик таъминоти объектлари, канализация тармоғи, ички йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 200 хонадонли 8 та уй қуриб битказилган бўлса, иккинчи босқичида 7 та 9 қаватли уй қурилиши ва ушбу уйларга кўчиб келадиган аҳолининг муносиб шарт-шароитларда яшаши учун зарурий коммуникация тармоқлари тортилиши режалаштирилган.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№92 (845) 2024 йил 19 ноябрь

ТОПШИРИЛИШИ КЕЧИКАЁТГАН ХОНАДОНЛАР

бу муаммолар қачон тизимли ҳал қилинади?



Мурод ХАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳудудларида, айниқса, Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари анчайин кўпаймоқда. Пойтахтнинг доимий аҳолиси ва бу ерга иш, ўқиш каби мақсадларда келаётганлар сонининг кўплиги боис, турар жойга бўлган талаб ҳам юқори. Шу сабабдан, қолаверса, кўриладиган фойда ҳам анчайин яхши бўлгани туфайли қурилишлар ва бу соҳада фаолият олиб борувчи ташкилотлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Статистика агентлигининг маълум қилишича, 2024 йилнинг 1 сентябрь ҳолати бўйича Ўзбекистонда қурилиш билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони 30 460 тани ташкил этиб, шулардан 6 917 таси Тошкент шаҳрига тўғри келади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Улуш киритиш асосида уй-жой қуриш” миллий ахборот тизимидаги маълумотларга кўра, жорий йилнинг ноябрь ойи ҳолатида қурилишни бошлаш учун рўйхатдан ўтказилган объектлар сони 13 206 тани ташкил қилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 2023 йилнинг август ойидан то ҳозиргача 834 та объект қурилишни бошлаш учун рўйхатдан ўтказилган.

Юқорида келтириб ўтилган расмий рақамлардан ҳам янги қурилишлар ҳажмини кўриш мумкин. Бу жараён уй-жойга бўлган талабни қондириш билан биргаликда, бир қанча муаммолар туғдираётгани ҳам сир эмас. Яқин кунларда яшил қурилиш бўйича ўтказилган форумда Халқаро молия корпорацияси масъулларидан бири ўз тақдимотида бутун дунёда ҳаво ифлосланишининг 40 фоиз улуши айни қурилиш ишларига тўғри келишини таъкидлади. Аммо биз қуйида атмосфера ҳавоси ҳақида эмас, мамлакатимиз, айниқса, пойтахт аҳолиси дуч келаётган бошқа муаммо ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ҳозирда қурилиш билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлар сони ошиб боряпти. Чунки таъкидлаганимиздек, кўриладиган фойда ва қурилишнинг ҳали пойдевори битмасиданоқ сотиш имкони мавжудлигидир. Ҳатто баъзи қурувчилар харидорлар билан тузадиган шартномасида уй битмасдан тўлиқ тўлов қилинишини кўрсатиб ўтган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Яқин йилларда ҳали битмаган хонадонга пул тўлаган аҳолининг алданиб қолиш ҳолатлари кўп учраяпти. Яъни, қурилиш охиригача битказилмасдан қолиб кетиши, топширилиши кечикиши ёки сифатсиз ҳолда топширилиши каби муаммолар долзарблигича қолмоқда.

ТАҲРИРИЯТГА МУРОЖААТ ҚИЛИНДИ

Таҳририятимизга шахси сир сақланишини сўраган фуқаро мазкур муаммо юзасидан мурожаат йўллади. Мурожаатчига кўра, у сотиб олган Тошкент туманидаги “Сабзавот” МФЙда қурилаётган 4 қаватли турар жой биносининг топширилиши шартномада кўрсатилган муддатдан кечикмоқда. Унинг айтишича, мазкур объектнинг қурилишига масъул шахслар ҳам бўлган Telegram гуруҳида харидорлар ойига 400-500 доллардан оиласи билан ижарада туриш осон бўлмаётганини айтиб, уйни тезроқ битиришини сўрашяпти.

– Мазкур уйнинг 4-қаватидан 1 хонали уй олганман, – деди мурожаатчи. – 2023 йилнинг сентябрь ойида тўловнинг 75 фоизини, 2024 йилнинг апрель ойида қолган қисмини ҳам тўлиқ тўлаб бўлганман. Шартномада хонадонлар жорий йилнинг июль ойида битказилиши кераклиги кўрсатилган. Лекин уйни сотиб олишимда июль ойидан ҳам аввалроқ битказиб, топширилиши айтилганди. Мана ноябрь ойи ҳам келди, ҳамон хонадонлар эгаларига топширилгани йўқ. Шартномадаги муддат келганда, ушбу қурилишга масъуллар озроқ ишлар қолганлиги ва тез орада битишини айтишганди. Бундан бир ой олдин эса коммунал тизимлар уланиши билан топширилишини айтишди. Ҳозирги пайтда объектга газ берилмаётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Ушбу объект “EMPIRE OF HOUSES” МЧЖ томонидан қурилмоқда. Очиқ маълумотларга кўра, 2023 йил 15 майда давлат рўйхатидан ўтган “EMPIRE OF HOUSES” МЧЖнинг таъсисчиси ва раҳбари сифатида Рустам Расулович Раупов кўрсатилган. Шунингдек, Рустам Расулович Раупов 40 фоиз улуш билан “MIRON BUILT HOMES” ва 30 фоиз улуш билан “STROY HOUSE TOWER” МЧЖларида ҳам таъсисчи экани маълум бўлди. Хонадонларнинг эгаларига топширилиши нега кечикаётгани юзасидан муносабатини билиш учун Р. Рауповга қўнғироқ қилдик. Афсуски, қўнғироқларимизга жавоб берилмади.

Харидорларга айни пайтда “газ муаммо бўлаётгани” топширилишнинг кечикишига сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Объектга бориб кўрганимизда эса қурилиш чиқиндилари ёйилиб ётган уйнинг олд йўлаклари битмаган ва бино атрофида яшил ҳудуд яратиш бўйича ҳам ҳали ҳеч қандай ишлар қилинмаганди. Қисқа қилиб айтганда, турар жой объектининг ҳолати топширишга тайёр эмас эди. Объектда ишлаётган усталардан бирининг айтишича, газ, сув, электр, канализация ҳаммаси тайёр, фақат уйнинг олд қисмидаги йўлак битса бўлди.

Турар жой биносининг қурилишида иштирок этаётган масъуллардан бири билан телефон орқали суҳбатлашдик. Мурожаатчи билан биргаликда нега шартнома талаблари бажарилмаётганини сўрганимизда, ўзини компания таъсисчиси деб таништирган Ҳамро Норов исмли киши объектга газ етиб келмаётганлиги туфайли топширилиш кечикаётганини айтиб, ишонмасак “Ҳудудгаз”дан сўрашимиз мумкинлигини таъкидлади. Қўшимчасига, мижозлар шартномани бекор қилиб, пулларини қайтариб олишлари мумкинлигини ҳам қистириб ўтди.

Вазиятни билиш мақсадида Тошкент туманидаги мазкур масалага алоқадор мутасаддилардан биридан изоҳ олдик. Унга кўра, юқорида келтирилган важлар ҳақиқатга тўғри келмайди.

– Рухсатни вилоят беради, биз эмас, – деди “TOSHKENTTUMANGAZ” филиали бош муҳандиси Лазиз Абдуллаев. – Биз фақат техник таклиф чиқарамиз. Биз томондан муаммо йўқ. Аммо уларни биз билан келиб учрашишгани ёки аризасини кўрганимни ҳам эслолмадим.

Хуллас, қурувчиларнинг келтираётган важлари ва объектнинг айни пайтдаги авзойидан кўринадики, шартномада 30 июлгача топширилиши керак бўлган хонадонларга эгалари жорий йилнинг сўнггига қадар ҳам кўчиб кира олмасликлари мумкин. Шу ўринда яна бир маълумотни ҳам айтиб ўтиш жоиз, хонадонларни сотиш вақтида харидорларга кўрсатилган лойиҳа суратида объект 5 қаватли (5-қават мансарда) бўлган. Ҳозирда эса объектнинг 4-қаватидан сўнг том қисми ёпилган.

МУАММОЛАР ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Янги қурилаётган кўп квартирали уйлар билан боғлиқ муаммоларнинг ортиб бориши буни тизимли равишда ечиш кераклигини англатади. Юқорида келтириб ўтганимиз ҳам Тошкент шаҳрида содир бўлган ҳолатлардан биригина эди, холос. Бу каби кейсларни яна топишимиз мумкин. Бу борадаги муаммоларни битта-битта ечиш билан масалани ҳал этиб бўлмайди. Балки, мазкур ишларни тартибга соладиган қандайдир тизим ва қоидалар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилиши лозим. Ушбу масала бўйича фикр-мулоҳазаларини билиш учун халқаро эксперт, Янги Тошкент дирекциясида яшил қурилиш ва энергия самарадорлик стандартлари бўйича маслаҳатчиси Темур Аҳмедовга юзландик.

– Биринчи навбатда, мана шу масалаларга тегишли амалдаги қонунчилик ишлаши керак, – деди шаҳарсоз Темур Аҳмедов. – Чунки қанақа бинони қаерда қуриш, қурилишни назорат қилиш, сифатга оид текширувлар ва қурилиш стандартлари бўйича норматив ҳужжатлар мавжуд. Афсуски, кўпинча мана шу қонунчилик ҳужжатлари эътиборга олинмайди ёки коррупция ҳолатлари каби турли сабаблар туфайли мавжуд нормаларга амал қилинмайди. Тўғри, бутун дунёга қарасак ҳам, қонунчилиги юз фоиз ишлайдиган давлат йўқ. Лекин имкон қадар қонунларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш лозим. Иккинчидан, сўнгги йилларда бўлаётган қурилишларни Ўзбекистон учун янги бир жараён дейиш, мумкин. Аввалари бундай кўп қурилишлар ва қурилиш компаниялари сони ҳам бу қадар кўп эмасди. Энди қурилиши бошланаётган турар жойга пул тўлаб, кутиш каби ҳолатлар илгари йўқ эди. Шу сабабдан, бунга тегишли баъзи жиҳатлар қонунчиликда келтирилмаган бўлиши мумкин. Яъни, молиявий ва бошқа томонлама муаммолар келиб чиқмаслиги учун бу жиҳатдан ҳам тартибга солиниши керак. Янги қурилаётган турар жойлар билан боғлиқ муаммолар хориж мамлакатларида ҳам бўлган. Улар бу муаммога қандай ечим топди, бунинг учун қанақа йўл тутишди? Биз уларнинг тажрибасини ўрганиб, бу бўйича янги тартиб жорий қилишимиз керак. Агар тартиб-қоидалар аниқ ва қулай бўлса, тадбиркорлар ҳам мазкур тартиб бўйича ишлашга ҳаракат қилишади. Шунингдек, давлат томонидан назорат қилиш ҳам осонроқ кечади. Бунда, бир қонунчилик бошқа бирига зид бўлмаслиги, барча норматив ҳужжатлар бир-бирига мутаносиб бўлиши лозим. Янги қурилаётган уйларнинг олди-сотдисини тартибга соладиган бир тизим йўлга қўйилиши керак. Ҳали қурилиши битмаган уйларни сотиш ва сотиб олишда ҳар иккала томон (тадбиркор ва харидор) ҳам зарар кўрмаслигининг олдини олиш учун қандайдир молиявий воситаларни фойдаланиш ёки тўланадиган маблағни учинчи томонга, яъни қайсидир банкка қўйиш керакдир, балки.

Бу борада масъул ташкилот ва идораларда қандай ишлар олиб борилаётганини ва мутасаддиларнинг фикрини билиш мақсадида қурилиш соҳасида фаолият юритиб келаётган мутахассис Шерзод Содиқовни суҳбатга тортдик.

– Бугунги кунда ушбу масала жуда долзарб муаммо бўлиб кетди, – деди Шерзод Содиқов. – Давлатимиз раҳбари ҳам бу борада сентябрь ойида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаб ўтганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги ПҚ-4732-сонли қарори қабул қилинган. Бу бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг платформаси ҳам бор. Ушбу платформага аҳолининг пулини жалб қилган ҳар бир қурилиш ташкилоти рўйхатга кириши керак ва бунинг ўз талаблари бор. Яъни, банкда ҳисоб рақам очилиши, ҳоким қарори чиқиши, қурилишга рухсат берилган бўлиши ва харидорлар билан тузилган шартномалар ҳам платформага киритилиб бориши керак. Шунингдек, Президентимиз томонидан “эскроу” тизимини жорий қилиш таъкидланди. Бу қурувчи ва харидорлар ўртасида банкларнинг иштирокини таъминлайди, яъни молиявий инструмент бўлади. Бу эса аҳолига ишонч ва кафолат беради. Қурувчи учун ҳам қурилиш жараёнининг кетма-кетлигини тўғри амалга ошириш ва ўзининг молиявий ресурсларини оқилона сарфлаш имкониятини беради.

Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши муаммога барҳам бериши мумкин, аммо бошқа бир томондан аҳолига ноқулайлик ҳам туғдириш эҳтимоли бор. Яъни, турар жойлар жорий нархларига нисбатан анчайин қимматлашади. Бу эса шундоқ ҳам уй-жой олиш учун йиллаб йиғинадиган аҳоли вакиллари учун қийинчилик келтириб чиқаради, албатта. Масаланинг бу томони ҳақида сўраганимизда Шерзод Содиқовнинг жавоби шундай бўлди:

– Биласизми, бизнинг менталитетда уй-жой сотиб олишга жуда катта масала сифатида қаралади. Масалан, ёш оилалар ҳам биринчи навбатда уй олиш учун инвестиция киритади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда Ўзбекистонда уй-жойга бўлган талаб жуда юқори. Қурилиш таннархи ва реализация нархи орасидаги фарқ бирмунча яхши бўлгани учун ҳам қурувчилар бу соҳага киришга қизиқяпти. Тўғри, қайсидир маънода бу турар жойларнинг қимматлашишига олиб келади, лекин сифат таъминланади ва муаммолар ҳам ечилади.

Шерзод Содиқовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда бу бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан ишлар олиб борилмоқда. Биз ҳам мазкур ишлар амалда жорий этилиб, унинг натижаси ўлароқ мазкур муаммога чек қўйилишидан умид қилиб қоламиз.



Суратда харидорларга кўрсатилган объект лойиҳаси.

Сувдан оқилона фойдаланиш бўйича назорат тадбирлари

Шуҳрат ХОЛИЁРОВ, Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи.

2024 йил 31 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига мувофиқ, Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналишида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ичимлик суви тармоғига ноқонуний уланиш ҳолатлари, сув сифати бўйича санитария талаблари ва сув ҳисоблаш қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари текширилиб, бир қатор ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Хусусан, 685 та ноқонуний уланиш ва 148 та носозлик (авария) ҳолати қайд этилди. Сувларни дастлабки ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ 58 та ҳолат аниқланди. Ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жами 807 та маъмурий жарима қўлланилиб, уларнинг умумий миқдори 2 201 миллион сўмни ташкил этди. Ичимлик суви сифати бўйича ўрганилган 1809 та синов таҳлилнинг 65 таси белгиланган санитария нормалари ва норматив ҳужжатларга жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу эса аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар қаторидан ўрин олади.



Назорат ишлари давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда 21 та ҳолатда ноқонуний уланиш ва сув ҳисоблагичга аралашиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу ҳуқуқбузарликлар орқали давлатга 1,341 миллион сўмлик зарар етказилганлиги қайд этилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Аҳолини ичимлик ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш мақсадида 438 та истеъмолчи (1542 та аҳоли) билан йиллик қиймати 380,7 миллион сўмлик шартнома расмийлаштирилди. Шунингдек, 279 та бюджет ташкилотида ўтказилган ўрганишларда аниқланган 58 турдаги камчиликлар учун 42,8 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Булардан ташқари, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида тарғибот тадбирлари ҳам ўтказилди. Жумладан, 10 та LED экранда баннерлар, 4 та телеканал, 207 та маҳалла, 12 та ижтимоий соҳа объекти, ва 80 та ижтимоий тармоқ орқали аҳоли огоҳлантирилди. Бу каби тадбирлар давомида 71 та мурожаат ва саволлар қабул қилинди ҳамда қисқа муддатларда ижобий ечим топилди.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматларидан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу каби тадбирлар жойлардаги барқарорлик ва соғлом муҳит яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ Фарғона филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Қўқон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 18 декабрдаги 4-1502-2301/2531-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб топилган “YIGITOV CLINIC” МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2024 йил 9 октябрдаги 69-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар, автотранспорт воситалари, барча мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда:

1. “YIGITOV CLINIC” МЧЖга тегишли бўлган Фарғона вилояти Қўқон шаҳри, Навбаҳор кўчаси, 20-уйда жойлашган **умумий ер майдони** – 7121,40 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 3184,55 квадрат метрдан иборат, кадастр рақами 15:16:01:24:01:0032 бўлган бино-иншоотлар. **Бошланғич баҳоси** – 29 889 890 591,84 сўм.

2. “YIGITOV CLINIC” МЧЖга тегишли бўлган Учкўприк тумани, “Учкўприк” МФЙ, Ўқитувчилар кўчаси, 14-уйда жойлашган **умумий ер майдони** – 940,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 904,85 квадрат метрдан иборат, кадастр рақами 15:12.01:01:01:0084 бўлган бино-иншоотлар. **Бошланғич баҳоси** – 35 138 702 028,39 сўм.

3. “YIGITOV CLINIC” МЧЖга тегишли бўлган 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 703 NAA бўлган “Damas” русумли ва 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 903 VAA бўлган “LACETTI 2” русумли автотранспорт воситалари.

Юқорида кўрсатилган “YIGITOV CLINIC” МЧЖ ҳисобида бўлган жами мол-мулклари бошланғич баҳоси – 65 254 657 339 сўмда мулкий мажмуа сифатида савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдо 2024 йил 6 декабрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2024 йил 5 декабрь куни соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ Фарғона филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 30 январдаги 4-1501-2304/4064-сонли Ҳал қилув қарорига асосан фаолияти тўхтатилган ҳолда тугатиш иши бўйича “Қувасой Қосимов Илёс боғи” фермер хўжалиги суд тугатиш бошқарувчисининг 2024 йил 15 ноябрдаги 69-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги фермер хўжалигидаги мевали дарахтлар мол-мулк кўринишида қўйилмоқда;

Фарғона вилояти Қувасой шаҳри, Кўчқорчи массиви ҳудудида жойлашган **“Қувасой Қосимов Илёс боғи”** фермер хўжалигининг 21,64 га майдондаги мевали дарахтлар мол-мулк кўринишида қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 1 549 070 703,49 сўм.

Аукцион савдо 2024 йил 17 декабрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2024 йил 16 декабрь куни соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

Бахтиярова Мухая Мирбуваевна номига 1993 йил 13 февралда 05-02/15121 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолгани муносабати билан **ҳақиқий эмас**, деб ҳисобланади.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD SVETLANA-KREDIT” МЧЖнинг 2024 йил 18 ноябрдаги 71-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробода туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 18 сентябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	8574	Кольцо сирен. кам. и мусор, пр. 585, о/в 5,51 гр.; Кольцо обруч., пр. 585, о/в 7,34 гр.	6 598 879,27
2.	8900	Цепь, пр. 585, о/в 5,13 гр.	2 879 273,56
3.	8917	Серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 3,69 гр.	1 737 471,12
4.	9025	Браслет, пр. 585, о/в 3,68 гр.	1 895 323,48
5.	180	Серьги с бел. кам. ушк. погн., пр. 585, о/в 1,33 гр.	825 643,12
6.	442	Серьги с зел. кам., пр. 585, о/в 0,76 гр.; браслет слом. погн., пр. 585, о/в 3,90 гр.	2 866 194,13
7.	470	Серьги бел. и зел. кам., пр. 585, о/в 6,12 гр.	2 991 891,12
8.	630	Кольцо с бел. и зел. кам. погн., пр. 585, о/в 5,75 гр.	2 791 605,56
9.	728	Кольцо брил. 1,50 мм – 1шт., 1,00 мм – 24 шт., пр. 585, о/в 4,74 гр.; кулон пр. 585, о/в 10,63 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,67 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,47 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,51 гр.	13 736 177,81
10.	753	Серьги с роз. кам. уш. погн., пр. 500, о/в 5,93 гр.; кольцо обруч. паян., пр. 585, о/в 1,63 гр.	3 185 025,88
11.	919	Кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 3,93 гр.	2 029 055,56
12.	1004	Кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,97 гр.	1 832 105,56
13.	1017	Серьги, пр. 585, о/в 2,18 гр.; кольцо с бел. кам. 1 кам. нет, пр. 585, о/в 2,89 гр.	2 958 866,68
14.	1019	Колье, пр. 585, о/в 3,49 гр.; Цепь порв., пр. 585, о/в 4,59 гр.; серьги с бел. кам. и жемч., пр. 585, о/в 6,26 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,87 гр.	9 054 827,80
15.	1046	Браслет с бел. кам., пр. 750, о/в 3,90 гр.; кольцо обруч., пр. 750, о/в 3,48 гр.; цепь, пр. 585, о/в 2,60 гр.	7 488 716,68
16.	1072	Кольцо обруч., пр. 585, о/в 11,33 гр.; кольцо с крас. кам., пр. 585, о/в 7,19 гр.; кольцо, пр. 585, о/в 3,83 гр.; кольцо слом., пр. 585, о/в 2,45 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 6,64 гр.; цепь, пр. 585, о/в 8,70 гр.	25 210 388,92
17.	1582	Кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,73 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,50 гр.; кольцо с бел. кам. погн., пр. 585, о/в 3,83 гр.; браслет бел. кам. погн. слом., пр. 585, о/в 6,53 гр.; Браслет с погн. слом., пр. 585, о/в 6,50 гр.; цепь с слом. погн., пр. 585, о/в 5,72 гр.	17 306 833,36
18.	1658	Кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 4,05 гр.	1 877 555,56
19.	1706	Серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 2,69 гр.	1 463 761,12
20.	2030	Серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 1,86 гр.	1 266 811,12
21.	2141	Кольцо крас. кам., пр. 585, о/в 4,96 гр.	2 332 055,56
22.	1325	Кольцо погн. паян., пр. 585, о/в 1,74 гр.	571 464,97
23.	1969	Кольцо, пр. 585, о/в 3,14 гр.; серьги с бел. кам., пр. 585, о/в 2,48 гр.	2 746 580,84
24.	2048	Браслет с бел. и чер. кам., пр. 585, о/в 13,68 гр.; серьги с бел. и бирюз. кам., пр. 585, о/в 4,95 гр.; кольцо с бел. и зел. кам. пр. 585, о/в 5,19 гр.; кольцо с бел. и чер. кам. пр. 585, о/в 3,74 гр.; кольцо с бел и зел. кам., пр. 585, о/в 4,32 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, пр. о/в 2,26 гр.; кольцо обр. пр. 585, о/в 2,19 гр.	20 438 444,49
25.	2177	Цепь с деф., 2-х зв. нет, 1 зв. отпаян, зам. слом, возле замка зв. погн., пр. 585, о/в 10,40 гр.	7 028 555,56
26.	2187	Кулон, пр. 585, о/в 0,56 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 1,51 гр.	1 403 161,12
27.	2272	Серьги с бел. и чер. кам., на одной сер. 1-ой детали нет, пр. 585, о/в 4,35 гр.	1 903 111,12
28.	2521	Кольцо с бел. и сирен. кам., пр. 585, о/в 5,30 гр.; кольцо бел. кам. погн., пр. 585, о/в 2,55 гр.	4 630 111,12
29.	2557	Кольцо брил. 2,5 мм – 1 шт., 2,00 мм – 6 шт., 1,5 мм – 48 шт., пр. 750, о/в 13,07 гр.; кольцо с бел. и крас. кам., пр. 750, о/в 4,74 гр.; серьги с бел. кам. и брил. 1,00 мм – 88 шт., пр. 585, о/в 15,26 гр.	25 891 222,25
30.	2584	Цепь, пр. 585, о/в 2,65 гр.; браслет, пр. 585, о/в 5,07 гр.; кулон с бел. и зел. кам., пр. 585, о/в 1,36 гр.; серьги с бел. и гол. кам. пр. 585, о/в 5,56 гр.; серьги с зел. кам. и брил. 1,5 мм – 2 шт., пр. 585, о/в 2,84 гр.; серьги с кор. кам. пр. 585, о/в 4,30 гр.; кольцо с деф., пр. 585, о/в 2,54 гр.; кольцо с кор. кам., пр. 585, о/в 3,05 гр.; кольцо с бел. кам. пр. 585, о/в 2,16 гр.	19 429 666,73
31.	2738	Кольцо, пр. 585, о/в 2,31 гр.; кольцо с бел. кам., пр. 585, о/в 2,30 гр.	3 115 111,12
		Жами бошланғич баҳоси	**199 485 892,29**

Аукцион савдолар **2024 йил 19 декабрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 17 декабрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 19 декабрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 3, 17 январь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдл ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13 “А”-уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

2024 йил ноябрь ойининг 19-21 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот-таҳлил қилиш ва мониторинг юритиш бўлими бош мутахассиси **Аҳрорхўжа Иброҳимхўжаев,** Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Баҳром Холиқулов,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ етакчи мутахассиси **Рустамбек Аббосов,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” юрисконсульти **Акмалжон Аюбджонов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Билолиддин Абдумуталлиев,** етакчи мутахассис **Муҳриддин Собиров,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Димитрий Головин,** “Хоразм” филиали лойиҳа бош муҳандиси **Мурот Шомуротов,**

“O‘zshaharsozlikLITI” ДМ “Наманган” филиали директори **Сарвар Исмандиёров,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси архитектори **Азизбек Раҳимов,**

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ лойиҳа бош муҳандиси **Сарваржон Каримов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектор **Амиратдин Алауатдинов,** Тахтакўпир тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор **Айбек Жумамуратов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Диловар Муҳидова,** Когон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Соҳибжон Қодиров,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Мамажон Мирзаев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси буюртмачилар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Улуғбек Жўрақулов,** Ички назорат хизмати бош мутахассиси **Шокиржон Раҳмонқулов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Жалолиддин Шарёров,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Жавоҳир Рўзиев,**

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош бухгалтери **Шаҳнозахон Усманова,**

Бухоро вилояти Когон туманидаги “Когон Бунёдкор Коммунал” БСК МЧЖ бош директори **Шавкат Нарзиев,** Қоровулбозор туманидаги “Қоровулбозор коммунал сервис БСК” МЧЖ бош директори **Жўрабек Сафаров,** Бухоро шаҳридаги “Дилшодбек бошқарув сервис” МЧЖ бош директори **Дилшод Джумаев,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Элегант Комплекс Коммунал сервис” МЧЖ бош директори **Мутабар Авлякулова,** “Универсал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Елена Хакимова,**

Наманган вилояти Давлатобод туманидаги “Умид тезкор сервис” ПБК МЧЖ бош директори **Алмира Султанова,**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Тоза туман” БСК МЧЖ бош директори **Алишер Мирюнусов,** Шайхонтоҳур туманидаги “Chorsu Service Puk” БСК МЧЖ бош директори **Ольга Русанова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



ОБУНА – 2025!


“Ўзбекистон бунёдкори” газетасига обуна бўлинг.

Юртимизда қурилиш-бунёдкорлик, коммунал-ободонлаштириш соҳаларида амалга оширилаётган янгиликлардан доимий хабардор бўласиз!

uzbunyodkori@mail.ru
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй (“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ биноси).
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
uzbunyodkor

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№92 (845) 2024 йил 19 ноябрь

“Бахтли бўлиш учун беғубор бўлиш керак”



Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳайрат. Инсон бу дунёга келиб қанчалик ҳайратланса, қилаётган ишидан завқ топа билса, кишиларга табассум билан боқса, демак унинг дарди катта. Баъзида ҳаммага қувонч улашадиган инсонлар юракларида жами изтиробларини, мушкулларини яшириб келади. Улар яратганнинг синовларига очиқ, сабрли инсон бўлгани учун ҳам “Катта” одамлардир.

Шу ўринда “Дев ва пакана” фильмидаги кичик диалогни келтирамиз:

... Катта одамлар раҳмдил бўлади.

– Сен-чи Зулфиқор, сен ҳам раҳмдилмисан?

– Мен кичкина одамман, ака. Лекин инсофим бор.

– Бу билан катта одамлар инсофсиз демоқчимисан?

– Гапни бўлма, Ҳасан. Катта одамлар уч хил бўлади. Бири амали билан, иккинчиси мол-у дунёси ва мансаби билан катта. Учинчиси ўзи Катта. Мен бор мол-у давлатим ва мансабимни шу учинчисига алмашган бўлардим, Зулфиқор...

Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳаёти ҳам ўзига хослиги билан эътиборга молик. У ҳам Аллоҳнинг туғма камтар ва Катта бандаларидан бири. Уларнинг катталигики, Худога чин дилдан ишонишида, инсонларга қўлидан келган ёрдамини аямаслигида, соф виждонига хиёнат қилмаслигида, ҳақиқатни айтишдан чекинмаслигида намоён бўлади. У нони қаттиқ, машаққатга бой – коммунал соҳа вакили.

Феруза Маҳмарасуловани кўпчилик яхши танийди. Ишнинг кўзини биладиган, тўғри тизим шакллантира оладиган тадбирли аёл. Ишида, ҳаётида барчага намуна бўла олади. Феруза опани жамоадагилар талабчанлиги ва дўстоналиги учун ҳурмат қилади. Ҳеч кимга раҳбар кўзи билан қарамайдиган, ҳар бир ходимини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган лидер раҳбарлар жамоани юксак марраларга бошлай олади.

У Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида таваллуд топган. Аввалига ўрта мактабда, ундан сўнг олий ўқув юртида таҳсил олди. Тошкент политехника институтининг Ёғочларни қайта ишлаш йўналишида тамомлади. Тақдирнинг тақозосини қарангки, ўқишни битириши билан қаҳрамонимизни ғишт заводига жўнатишди.

– Тўғрисини айтсам, ўшанда жуда қаттиқ хафа бўлгандим, – деди Феруза Маҳмарасулова. – Аёл киши учун ғишт заводида ишлаш бироз машаққатли. Аммо бир йилда ўзимни яхши кўрсатганим учун директор ўринбосари этиб тайинлашган. Кейин ҳаётим тубдан ўзгариб кетди.

Доим ўз ишини маромида бажаришга киришадиган Феруза Маҳмарасулова карьерасида жиддий ўсиш кузатилди. Ғишт заводидан сўнг Янгийўл ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятида бир қанча вақт ишлади. Вазирлар Маҳкамасида, “Ўзқурилишматериаллари” уюшмасида ҳам меҳнат фаолиятини олиб борди. Шу билан бир қаторда, шахсий бизнес билан ҳам фаол шуғулланди. Узоқ йиллар давлат хизматида бўлган қаҳрамонимиз ўз фаолиятида танаффус қилишга қарор қилди. Чунки кети узилмайдиган хизмат сафарлари, оилага етарли вақт ажрата олмаслик, узоқ йиллик тинимсиз меҳнатдан сўнг чарчоқ ҳис қилди. 2014 йилда давлат секторидаги фаолиятини якунлаб, бир муддат тин олди.

Аммо унинг ақли ва салоҳиятини яхши биладиган танишлари ҳали дам олишга эрта эканини ҳис қилиб туришарди. Яқин бир дўстининг таклифи билан бошқарув ширкати ишларига ёрдам бериб туришга рози бўлди. Олдинига уйдан ишлашига кўндирган дўсти, кейинчалик бутунлай қайноқ меҳнат фаолиятига қайтарди. Қарабсизки, унинг ҳаётида янги саҳифа очилди. Коммунал соҳада ишлаб, халқнинг корини енгил қилишга жиддий бел боғлади. Соҳадаги 10 йиллик фаолияти Феруза Маҳмарасуловага кўп нарсани ўргатди. Баъзан ноҳақ айбловлар, камситишлар, ҳақоратларга рўбарў келди. Йиллар унинг иродасини тоблади, лекин ҳеч вақт машаққатларга енгилиб, синиб қолмади. Аёл боши билан барча тўсиқларни енгиб ўта олди.

2021 йилга келиб, “Маҳмуджон Мухторов сервис партнерс” бошқарув сервис компаниясига асос солади.

ҲАР БИР ИНСОН ЮКСАЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА

“Маҳмуджон Мухторов сервис партнерс” бошқарув сервис компанияси фаолиятини Мирзо Улуғбек туманидаги 10 та кўп қаватли уй билан иш бошлади. Ҳозирда эса Мирзо Улуғбек туманида 30 та, Шайхонтоҳур туманида 37 та уйга хизмат кўрсатиб келмоқда. Компания Яшнабод туманида ҳам кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади. Умумий ҳисобда 100 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатадиган компанияда 100 нафар ходим меҳнат қиляпти.

Компаниянинг ўзига хос бошқарув фалсафаси мавжуд. БСКлар дастлаб ташкил қилинган пайтларда одамларда етарли тасаввур ва тушунча мавжуд эмас эди. Шу сабабли, компания ҳудудда яшовчилар ичидан психологларни ишга олади. Улар деярли ҳар бир хонадонга бориб, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришади. Натижа компаниянинг 3 ойлик фаолиятининг ўзидаёқ намоён бўла бошлайди. Инсонлар бошқарув ширкатлари ва БСКлар орасидаги фарқни ажрата бошлайди. Тўловларда фаоллашиш кузатилади. Бошқарув сервис компаниялари халқ ҳаётига янгича ранг олиб кирди, деб бемалол айта оламиз. Бугунги БСКлар ижтимоий ҳимоя марказига айланган.

“Маҳмуджон Мухторов сервис партнерс” бошқарув сервис компанияси Феруза Маҳмарасулова ташаббуси билан ертўлаларда кам таъминлаган оилалар учун бепул турар жойлар ташкил қилган. Бунда кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилалар давлат томонидан уй берилгунча яшашлари мумкин. Улар барча тўловлардан озод қилинган. Феруза опанинг айтишига қараганда, уларга шахсий даромадлари ҳисобида ҳам ёрдам бериб туришади. Бежизга БСКларни ижтимоий ҳимоя маркази, деб номламадик. Кунига юзлаб одамлар компанияга ташриф буюриб, ўзларининг оилавий, шахсий муаммоларини бўлишишади. Кимдир маънавий, кимдир моддий ёрдамга муҳтож ҳолда келади. Компания вакиллари уларни очиқ юз билан қарши олиб, дардларига, қайғуларига шерик бўлишади. Қайсидир хизматини бепул амалга ошириш орқали кўнгилларини ҳам кўтаришади.

Компанияда ҳар бир ходим доимий малака оширади. Ўзларини қониқтирадиган маош олишади. Ҳайрон қолишингиз мумкин, аммо жамоада супурувчи бўлиб ишлайдиган ходимнинг ҳам малакаси оширилади. Чунки улар ҳам халқ билан ишлайди, шу сабабли халқ билан тўғри мулоқот қилиш йўллари ўргатилади. Жамоанинг ҳамжиҳатлигини бир қарашда англаш қийин эмас. Бунда ҳам Феруза опанинг хизматлари катта. Ҳар бир ходимининг ҳар қандай муаммосини айтишига шароит яратиб берган. Ҳар бирига дўстона муносабатда бўлади. Раҳбар сифатида қўл остидагилардан масофа сақламайди, шу билан бирга, талабчанлик ва масъулиятни ҳам унутмайди.

Соҳанинг машаққатли томони шундаки, энг қора ишларни амалга оширасан, аммо одамлардан етмаганига ҳақорат ва туҳмат эшитишинг ҳеч гап эмас. Одамлар кўчада миллионлаб пулларни бир ўтиришда сарфлашади-ю, арзимаган коммунал тўловларга келганда бўйнидаги томирлари бўртиб чиқади. Ҳар хил баҳоналар қилиб, бўйин товлашга уринишади. Афсуски, давлат ташкилотларида юқори лавозимларда ишлаган, қонун-қоидани биладиган одамлар ўзларининг қилган хизматларини пеш қилиб, тўловларни тўлашдан бўйин товлашади. “Мен фалон жойда ишлаганман, ишлайман”, “Сен ким бўлибсан, истасам сени йўқ қилиб юбораман” қабилидаги пўписаларни тез-тез кузатиш мумкин. Бундай одамлар руҳан ғариб кишилар ҳисобланади. Ўзлари фойдаланиб турган хизматларнинг юкини яна давлатнинг елкасига қўймоқчи бўлишади. Ваҳоланки, ўз хизматларига яраша ҳақ олишган, пайтида давлат яратиб берган имкониятлардан фойдаланган. Бу биздаги узоқ йиллик боқимандалик кайфиятининг асоратидир, балки. Феруза опадан оғир турдаги қарздорлар билан қандай иш олиб боришлари ҳақида сўрадик.

– Бугунги кунда 12 нафар хонадон эгаси тўловлардан кўп миқдорда қарздор, – деди Феруза Маҳмарасулова. – Тўлаш истаги ҳам йўқ. Энг ачинарлиси, барчаси давлат хизматидагилар ёки собиқ давлат хизматчилари. Биз ўзларига, ишхоналарига хат чиқардик. Унда ҳам иложи бўлмаса, суд орқали ҳал қиламиз. Бошқача тартибда ишлашнинг самараси йўқ. Мажбурий ижро бюроси, участка нозирлари билан ҳамкорликда жуда катта қарздорликларни ундиришга муваффақ бўлдик. Уларга қилаётган ёрдамлари учун раҳмат.

Феруза Маҳмарасулова ходимларининг салоҳиятига қараб ўз устида жиддий ишлашига замин ҳозирлайди. Уларни компанияда тажриба орттириб, юқори лавозимларда ишлаб, кенг салоҳият ва билимга эга бўлишига кўмаклашади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон юксалиш, кўтарилиш ҳақ-ҳуқуқига эга. Инсон бир жойда тўхтаб қолмаслиги, умри давомида янги марраларни забт этишга ҳаракат қилиши тарафдори. Шунинг учун иқтидорли ходимларини тайёрлаб, ёркин келажаклари учун трамплин вазифасини ўтайди. У ўзига хос мактаб кура олган раҳбар бўлиш баробарида инсонларга вақтида тўғри йўл кўрсатишни, яқинларига ғамхўрлик қилишни, доимо кечагидан яхшироқ билим ва тажрибага эга бўлишни ўзига шиор қилган. Компания раҳбарлигидан ташқари бухгалтерия ишлари, қурилиш лойиҳалари чизиш, тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланади. Азбаройи пул учун эмас, ундан ёрдам сўраб келганларни умидсиз қайтармаслик, дилига қувонч улашиш учун шахсий даромадини оширишга ҳаракат қилади. Жамиятимизда қаҳрамонимиздек бағрикенг, ишбилармон раҳбарлар, халқ фидойилари кўпаяверсин. Халқ хизматида уларга муваффақият тилаймиз. Катта одам бўлишдан, севимли бўлишдан чарчаманг деймиз.

Қуйида Феруза Маҳмарасулованинг узоқ йиллик ҳаётий хулосаларини қолдирамиз.

– Мен ҳамиша оддий одам эдим. Ҳозир ҳам. Ҳаммамизда умумий бир истак мавжуд – бахтли бўлиш! Менимча, инсон бахтли бўлиши учун беғубор бўлиши керак. Бировга ёмонлик хоҳламайдиган, ҳаммага яхшилик қилишга уринадиган ҳожатбарор бўлиши талаб этилади. Мен Аллоҳга дилдан ишонаман. Ғийбатга ҳам, ғийбат қилишларига ҳам чидолмайман. Биз ҳаммага яхшилик қилишимиз керак. Чунки ёмонлик қилиш ҳуқуқи бизда йўқ. Ҳаётда кўп муқаддас нарсалар бор. Буларнинг ичида инсон эътиқоди энг муҳим ҳисобланади. Менинг ҳар доим йўлим очиқ, кўнглим очиқ, очиқча гапираман. Баъзида доим кулиб юришим кимларгадир ёқмайди. Лекин ҳаётдан олган энг асосий хулосам шуки, ҳеч қачон қийинчиликлар олдида синиб қолмаслик. Одам ўзига хиёнат қилмаслиги, пул учун ўзини қурбон қилмаслиги керак. Касбдошларимга вазифаларида сабр-тоқат тилайман. Биз чин дилдан халқ кўнглини рози қилсак, бир кун келиб роҳатини кўришимиз тайин.



Саноат корхоналари Бекобод таянчи

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги йилларда халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилган Давлат дастурлари ҳамда Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифида вилоятни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш учун энг аввало, ҳар жабҳада иқтисодий барқарорликни таъминлаш зарурлиги таъкидланган эди. Бу, Бекобод шаҳрида яшовчилар учун ҳам муҳим дастуриламал вазифасини ўтаб, ҳудудни янада обод масканлардан бирига айлантиришга имкон беряпти.

Бугун шаҳарда тадбиркорлик учун ҳам кенг имкониятлар яратилгани туфайли барча тармоқларда ўсишга эришиляпти. Кейинги тўрт йилда ҳудуддаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари сони 150 дан ортди ва уларда тайёрланаётган замон талабидаги материаллар маҳаллий бозорларни таъминлаб, экспорт ҳам қилинмоқда. Бу борадаги ҳажм ўтган йилларга нисбатан 54 фоизга ўсган. Бугунги кунда шаҳарнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши 7,2, хизматлар эса 4,8 фоизга етди.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган 36 банддан иборат “Йўл харитаси” орқали сўнгги даврда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайишида инвестициялар киритилаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Бу жиҳатдан ҳозиргача 22,8 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, ўсиш суръати 132,6 фоизни ташкил этмоқда. Бу йўналишда 2024-2025 йилларда 1,4 трлн сўмлик саноат ва хизмат кўрсатиш инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган ойларида эса 23 млн АҚШ долларилик инвестиция киритилиб, 2024-2026 йиллар давомида шаҳар ҳудудида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда турар жой объектларини қуриш ҳисобига қўшимча 235 млн АҚШ доллари миқдорида инвестицияларни жалб этиш имконияти бор.

Бекобод саноатлашган шаҳар, шу сабабли, тадбиркорлик субъектлари асосий эътиборни шу йўналишга қаратишяпти. Натижада, талаб даражасидаги иш ўринлари яратилаётгани учун нафақат шаҳар аҳолиси, балки қўшни туманлардан ҳам йилига минглаб кишилар келиб, доимий иш ўрнига эга бўлишмоқда. Шунинг ҳисобига аҳоли сони сўнгги беш йил оралиғида 9,4 минг нафарга кўпайган. Бундан ташқари, 24,4 мингта хонадонда истиқомат қилаётган 28,2 мингта оиланинг 3 мингтасида уй-жойга эҳтиёж бор. Бу эса, ўз-ўзидан, кўп қаватли турар жойлар қуришни тақозо этаётган бўлсада, аммо қурилиш учун ер майдони масаласи муаммо эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу муаммо ўз ўрнида ечим топди. 2021 йилдаги Сенат қарорига биноан, Бекобод шаҳри учун қўшни тумандан 53,31 гектар майдон ажратилиб, “Янги Ўзбекистон” массиви қурилмоқда. Натижада 5 310 та хонадондан иборат 118 та кўп қаватли бинолар қурилиб, замонавий шаҳарчада 16 минг нафар фуқаро ўз уйига эга бўлади.

– Булар қаторида массивда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 1 та мактаб, 1 та болалар боғчаси, 1 та ихтисослашган поликлиника қуриш орқали мингдан ортиқ иш ўрни яратилади, – деди Бекобод шаҳар ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Эркин Норбўтаев. – Бугунги кунда массивда ишлар қизғин тус олган, пудрат ташкилотлари жорий йилда режага киритилган ишларни охирига етказишга ҳаракат қилишмоқда.

Шунингдек, шаҳардаги маҳаллалар инфратузилмасини қайта шакллантириш бўйича ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, “Обод турмуш”, “Нурли йўл”, “Самарқанд” ва “Сирдарё” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуди талаб даражасига келтирилди. 1,7 километр йўл бўйи инфратузилмасида эса 10 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатувчи гастрономик кўча ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш ҳисобига иш ўринларини яратиш билан бирга, ижтимоий соҳа масалаларини янада кенгайтириш юзасидан ҳам 2024-2025 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳудудда 3 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та мактаб ва 1 та поликлиника қуриш, 2 та мактаб биносини тўлиқ таъмирлаш, 2 та кўприкни реконструкция қилиш, хиёбон олди ҳамда туризм кўчаларини асфальтлаш, 15 километр сув тармоғини таъмирлаш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган ҳаракатлар негизида аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсади мужассам.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1141.
1490 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 23.35.
Топширилди – 00.45.
1 2 3 4 5 6